

МАМЛАКАТИМИЗДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Рахмонов Лочин Тўхтамишович

и.ф.ф.д.(PhD) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион фоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқариш учун замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассисларни тайёрлаш, бунинг учун эса, миллий таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишига имкон яратиши лозим».

Мамлакатимизда раҷамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида норматив-хуқуқий асослар қабул қилинди ва бу асослар мамлакат тармоқ ва соҳаларида янгиликларни жорий қилиш имконини берди.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2] Фармони АҚТдан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ҳамда фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар, преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чукурлаштириш, АҚТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Фармон билан мамлакатимизда биринчи маротаба ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиши

ҳамда жорий этишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тузилди. [3]

«2018 йил – фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида – фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳукуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳукуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралashiшларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш масалалари ҳам илгари сурилди. Давлат дастуридан келиб чиқсан ҳолда қатор қонуности хужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, рақамли иқтисодиётни ривожлантишнинг энг устувор ўйналишларида инвестициявий, молиявий ва бошқа ресурсларни бирлаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон қарорига мувофиқ рақамли иқтисодиётни ривожлантириш фонди ташкил этилиб, уни фаолиятига оид ташкилий тадбирлар, хусусан, вазифалари, молиялаштириш манбалари белгиланди:[4]

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш фонди давлат-хусусий шерикчилик шартларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид истиқболли ва стратегик муҳим, шу жумладан крипто-активлар айланмаси ва крипто-биржалар соҳасидаги лойихаларни амалга оширади, «Blockchain technology»ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашади.

Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Hi-tech city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги обьектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасини Агентликка беғараз ўтказиш ҳамда унинг номини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги обьектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасига ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ҳам айнан шу Қарор доирасида маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам имзоланди. Хужжатга мувофиқ, умумий штат бирлиги 198 нафар, шу жумладан, ҳудудий бўлинмаларда – 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёевнинг «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистонда «Blockchain», «crypto» активлар ва «Mining» («криптовалюта» платформаларининг ишлиши учун зарурӣ тузилмалар) технологиялари жорий қилинади. Фармонда айтилишича, «Blockchain technology» давлат органлари фаолиятига татбиқ қилинади.[5]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда ҳам «Smart Cities» барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.[6]

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Конунининг [7] қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Мазкур ҳужжат жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, электрон пуллар тизими фаолиятини ташкил этиш, электрон пуллар муомаласи, электрон пуллар тизимида рискларни бошқариш ҳамда тизимда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Бундан кутилган пировард натижа иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бунинг натижасида аҳоли фаровонлигини оширишdir.

Электрон пуллар тизимига оид асосий тушунчалар, шу жумладан, «айирбошлиш

операцияси», «бир ва кўп эмитентли электрон пуллар тизими», «олдиндан тўланган карта», «электрон пуллар тизимининг агенти», «электрон ҳамён» ва соҳага оид бошқа терминларга батафсил тушунтиришлар берилган.

Қоидага кўра, эмитент, оператор, электрон пуллар тизимининг агенти, электрон пуллар эгаси, шунингдек, эмитент билан шартнома тузган банклар, тўлов ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар электрон пуллар тизимининг субъектлари ҳисобланади. Бунда электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ва тегишли лицензияга эга бўлган тўлов ташкилоти – электрон пуллар тизимининг операторидир. Эмитент ёки эмитент бўлмаган бошқа банк оператор билан тузилган шартнома асосида электрон пуллар тизимининг ҳисоб-китоб банки сифатида фаолият юритиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, эмитент ўз фаолиятини бошлаши учун, энг аввало, электрон пулларни чиқариш ва реализация қилиши тўғрисида Марказий банкка белгиланган шаклдаги хабарнома ва унга илова сифатида оператор билан тузилган шартнома ҳамда электрон пуллар тизими субъектлари билан тузиладиган шартномалар намуналарини юбориши зарур.

Хужжатга мувофиқ, электрон пулларнинг чиқарилиши эмитент томонидан жисмоний шахс ёки электрон пуллар тизимининг агентидан қабул қилинган пул маблағлари доирасида электрон пуллар тизими қоидалари ҳамда электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

Иқтисодиёт секторларига рақамли технологияларни татбиқ этишнинг кўлами ва уларнинг занжирли таъсирлари натижасида шаклланувчи «рақамли дивиденд»лар иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ” Рақамлашган давлат, корхона ва фирмалар, уй хўжаликлари ўзаро боғлиқ ва иқтисодий муносабатга киришиш орқали иқтисодий ўсишнинг таъминлашга хизмат қиласи. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, бандлик масаласини ҳал этишга, хизматлар сифатининг яхшиланишига ва пировардида ижтимоий фаровонликнинг таъминланиши ва Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда позициясининг яхшиланиши вужудга келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. [Электрон ресурс]: <https://lex.uz/docs/3249651>.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/akt/>.
4. <https://lex.uz/docs/3891629>.
5. Президент подписал постановление о развитии и внедрении в Узбекистане блокчейна, криpto-активов и майнинга. <https://www.spot.uz/ru/2018/07/04/blockchain> .
6. <http://www.aza.uz/>. 06-10-2017.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-578-сон 01.11.2019. <https://www.lex.uz/docs/4575786>